# Эй одамлар, Аллоҳни зикр қилинглар

06:48 / 22.10.2018 1743

?????? ??????? ???? ?????? ?????? ????? ??????: ????? ??????? ????? ?????? ????? ??????? ????????? ????? ?????? ?????? ?????????? ????? ???????: «يَا أَيُّهَا النَّاسُ اذْكُرُوا اللهَ جَاءَتِ الرَّاجِفَةُ تَتْبَعُهَا الرَّادِفَةُ، جَاءَ الْمَوْتُ بِمَا فِيهِ، جَاءَ الْمَوْتُ بِمَا فِيهِ» ??????: ??? ??????? ????? ?????? ???????? ?????????? ????????? ?????? ???????? ???? ???? ???????? ?????: «مَا شِئْتَ» ??????: ?????????? ?????: «مَا شِئْتَ، فَإِنْ زِدْتَ فَهُوَ خَيْرٌ لَكَ» ??????: ???????????? ?????: «مَا شِئْتَ،

**فَإِنْ زِدْتَ فَهُوَ خَيْرٌ لَكَ»**، ??????:

??????????????? ?????: **«مَا شِئْتَ، فَإِنْ زِدْتَ**

**فَهُوَ خَيْرٌ لَكَ»** ??????: ???????? ???? ????????

????????? ?????: **«إِذًا تُكْفَى هَمَّكَ، وَيُغْفَرُ**

**لَكَ ذَنْبُكَ».** ??????? ?????????????? ???????:

??????? ??????.

580/7. Убай ибн Каъб розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам кечанинг учдан бири ўтганда, ўринларидан туриб: «**Эй одамлар, Аллоҳни зикр қилинглар. Исрофил алайҳиссалом биринчи сурни, кетидан иккинчисини чаладиган пайт келиб қолди. Ўлим ҳам ўзидаги мавжуд қўрқинг ила етиб келди, Ўлим ҳам ўзидаги мавжуд қўрқинч ила етиб келди**», деб айтдилар. Шунда мен: «Эй Аллоҳнинг Расули! Ундоқ бўлса мен сизга салавот айтишни кўпайтирайми? (Кечанинг) қанча қисмида сизга салавот айтайин», десам, у зот: «**Хоҳлаганингча**», дедилар. Мен: «Тўртдан бир қисмидами?» дедим. У зот: «**Хоҳласанг, бунга зиёда қилгин. Ўзинг учун яхши бўлади**», дедилар. Мен: «Ярмидами?» десам, у зот: «**Хоҳласанг, бунга зиёда қилгин. Ўзинг учун яхши бўлади**», дедилар. Мен: «Учдан икки қисмидами?» десам, у зот: «**Хоҳласанг, бунга зиёда қилгин. Ўзинг учун яхши бўлади**», дедилар. Мен: «Ундоқ бўлса, мен )кечани( ҳаммасида сизга салавот айтайми?», десам у зот: «**Агар шундай қилсанг-ку, барча ғамларингга кифоя қилиниб, гуноҳларингни кечириб юборилади**», дедилар.

Имом Термизий ривоят қилиб, ҳасан ҳадис, деди лар.

**Фойда**: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга салавот айтиб, дуо қилишнинг фазилати. Ва у зот умматларини Аллоҳ рози бўладиган йўлга иршод қилишга рағбатлари ҳамда киши агар ўз нафсига ғуғурланишдан қўрқмаса бирор мақсад йўлида бажараётган яхши амалларини зикр қилиш жоизлиги.